



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2018 йил 20 октябрь, № 218 (7176)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.



Ўзбекистон ва Россия вақт синовидан ўтган стратегик ҳамкорлардир. Президентларимизнинг стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги қатъий сазо-ҳаракати туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик сифати жўшқандан янги, янада юксак босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг ушбу учрашуви олий даражадаги мунтазам мулоқотларнинг мантқий давомидир. Ўзаро ишонч ва конструктивликка асосланган сиёсий мулоқотлар икки томонлама муносабатларнинг узок муддатли истиқбол ва муҳим йўналишларига замин яратди.

Ташрифинг асосий тадбирлари 19 октябрь кўни Қўқсарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Расмий кутуб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин тор доирада музокара ўтказди.

Президентимиз олий мартабали муҳим самимий кутуб, Ўзбекистон ва Россия муносабатлари кейинги икки йилда янада мустаҳкамланганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Москва шаҳрида Биринчи Президентимиз Исрол Каримовга ҳайкал ўрнатилгани учун кўп миллатли Ўзбекистон халқи номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Кейинги бир йилда юқори даражада 80 дан ортик ташрифлар амалга оширилди. Худудлар ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйдик.

Бугун Тошкентда Худудларо ҳамкорлик форуми бўлиб ўтмоқда. Унда Россия худудлари, жамоатчилиги ва бизнесининг мингдан ортик вакили иштирок этмоқда. Жорий йил бошидан ҳозиргача товар айирбошлаш ҳажми 30 фоизга ўсди. Йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари яна бир стратегик лойиҳа — мамлакатимизда биринчи атом электр станцияси қурилиши лойиҳаси бошланаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Владимир Путин давлатимиз раҳбарига таклиф учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Россиянинг ишончли иттифоқчиси, стратегик шериги эканини таъкидлади.

Сизнинг Россияга ўтган йилги давлат ташрифингиздан кейин икки томонлама муносабатларнинг ҳамма соҳаларида катта ўзгаришлар бўлди. Бу ўринда гап, аввало, иқтисодиёт ҳақида кетмоқда. Биз Ўзбекистон қанчалик тез ва тубдан ривожланаётганини, мамлакат иқтисодиёти ва халқи учун зарур ислохотлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз, деди Россия Президенти.

Учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва уни ҳар томонлама ривожлантириш, турли соҳаларда янги қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди, мамлакатларимизнинг долзарб минтақавий ва халқаро масалаларга доир

ёндашувлари мос ёки яқин экани таъкидланди.

Томонлар БМТ, МДХ, ШХТ, ЕХТ ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида ўзаро ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини тасдиқладилар.

Президентлар хавфсизлик соҳасида ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш принциплари асосланган шериклик муносабатларини кенгайтириш Марказий Осиё минтақасидаги янги таҳдид ва хатарларга қарши курашиш вазифаларини биргаликда ҳал этишга хизмат қилишини қайд этдилар.

Терроризм, экстремизм, айниқса, ёшлар орасида радикаллашувга қарши курашиш бўйича сазо-ҳаракатларни мувофиқлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Томонлар Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнини афғон халқининг ўзи амалга ошириши зарурлигини яна бир бор таъкидладилар. Россия Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик жараёнига қўмаклашиш борасидаги муҳим сазо-ҳаракатларини юксак қадрлайди.

Давлат раҳбарлари Марказий Осиёда ўзаро манфаатли ва самарали минтақавий ҳамкорлик ривожига ижобий тенденциялар кузатилаётганини қайд этдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Президенти Владимир Путин музокараларни икки мамлакат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда

давом эттирди. Унда савдо-иқтисодий инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Россия Ўзбекистоннинг муҳим савдо ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда.

Музокараларда товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва номенклатурасини диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш, транспорт ва энергетика соҳаларида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Сентябрь ойида ҳукуват раҳбарлари раислигида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия мажлиси муваффақиятли ўтказилди. Худудлар ўртасидаги ҳамкорлик ривожланмоқда. Россиянинг етакчи компания ва банклари билан биргаликда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ҳисоб-китобларимизга кўра, жорий йилда товар айирбошлаш ҳажми 6 миллиард долларга етди. Бу ракам режалаштирилганимиздан ҳам ортик, Яқин йиллардаги вазифа савдо айланмасини 10 миллиард долларга етказиш, деди Шавкат Мирзиёев.

Владимир Путин давлатимиз раҳбарининг фикрини тўлиқ қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон ва Россия ҳукуматларига ўзаро товар айирбошлашни кўпайтириш бўйича зарур чоралар

кўриш топширилди. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия фаолиятини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари ташриф доирасида умумий қиймати 25 миллиард доллар бўлган савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳужжатлар имзоланганини мамнуният билан қайд этди.

Бугунги кунда Россиянинг мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирган инвестициялари ҳажми 8,5 миллиард доллардан ошди. Ташриф доирасида Президентимиз ташаббуси билан илк бор ўтказилган “Ўзбекистон — Россия” худудларо ҳамкорлик форуми бу борада катта аҳамият касб этди. Унинг якунида қиймати 2 миллиард доллардан зиёд лойиҳалар бўйича келишувга эришилгани қайд этилди.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар кенгайиб бормоқда. Жорий йилда илк бор Ўзбекистон — Россия медиа-форуми ўтказилди, кўни кеча Россиянинг етакчи олий таълим муассасаларининг 80 нафар раҳбари иштирокида Таълим форуми бўлиб ўтди. “Янги иқтисодиёт учун янги кадрлар” мавзусидаги мазкур форумда таълим ва фан соҳаларидаги ҳамкорлик, жумладан, мамлакатимизда Россиянинг етакчи олий ўқув юртли факультетларини очиб тўғрисида 100 дан ортик келишув имзоланди.

Шавкат Мирзиёев бу кейинги пайтларда ҳамкорликда эришилган юқори марралардан айрилмай эканини, Россия Президентининг давлат ташрифи Ўзбекистон ва Россия муносабатлари ривожига янги, кучли импульс бағишлаганини таъкидлади.

Музокараларда маданий-гуманитар алоқаларни, айниқса, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий ўқув йилидан Олмалик шаҳрида Москва пўлат ва қўшимчалар институти филиали иш бошлади. Мамлакатимизда самарали фаолият юритаётган Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети, Россия давлат нефть ва газ университети филиалларига қўшимча равишда Москва давлат халқаро муносабатлар институти, “ММФИ” миллий тадқиқот ядро университети, Бутунроссия кинематография давлат институти, Москва энергетика институти, Россия кимё-технология университети филиалларини очиб режалаштирилган.

Илм-фан соҳасида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш, жумладан, Жиззах вилоятидаги Суффа платосида йирик радиотелескоп барпо этиш лойиҳасини

амалга ошириш бўйича келишувга эришилди.

Халқларимизни янада яқинлаштириш мақсадида мамлакатимизда Ўзбекистон — Россия ёшларининг тўртинчи форуми ўтказилди.

2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанин 75 йиллиги нишонланди. Давлатимиз раҳбари ушбу санани муносиб кутиб олиш мақсадида мамлакатимизда махсус дастур ишлаб чиқиш ва Тошкентда “Ғалаба” боғ-мажмуасини барпо этиш режалаштирилаётганини қайд этди.

Ушбу маскан фашизмга қарши курашимиз рамзи бўлади, ёш авлодни тарихга хурмат, ватанпарварлик ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашга хизмат қилади, деди Шавкат Мирзиёев.

Аҳоли, аввало, ёшларни рус адабиётининг энг сара намуналари билан кенг таништириш мақсадида ўзбек тилида 100 жиллик “Рус мумтоз адабиёти дурдоналари” тўпламини нашр қилиш режалаштирилмоқда.

Музокаралар якунида салмоқли ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Қўшма баёноти имзолادилар.

Ташриф доирасида имзоланган 2019 — 2024 йилларда иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2019 — 2021 йилларда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик дастури, “Суффа” халқаро радиоастрономик обсерваториясини ташкил этиш бўйича “йўл харитаси”, Ўзбекистонда Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш ва фаолиятини таъминлаш тўғрисидаги битим, Тўқимачилик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро имзоланди.

“Мустақилликнинг 25 йиллиги” кўни қўшимча разведка қилиш ва жижизлаш ҳамда Сурхондарё вилоятида газ-кимё мажмуасини қуриш бўйича “Ўзбекистон мустақиллиги” инвестиция блокига доир қўшимча битим, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистонда Москва давлат халқаро муносабатлар институтининг филиалини ташкил этиш тўғрисида битим, Фанларо илмий таълим марказини ташкил этиш тўғрисида битим, Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши ва “Бутунроссия ректорлари иттифоқи” жамоат ташкилоти ўртасида битим, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Россия Федерацияси Миллий гвардия қўшинлари федерал хизмати ўртасида

ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ташриф асносида жами 20 та ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари учун брифингда Президентлар тор ва кенг доирадаги музокаралар ҳар доимгидек очик ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан атрофдаги фикр алмашилганини таъкидладилар. Бу ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг янги йўналишларини белгилаш имконини берди. Қўриб чиқилган масалалар юзасидан томонларнинг позицияси бир хиллиги ёки яқинлиги қайд этилди.

Давлатларимиз ўртасида дўстона алоқалар ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган изчил шахсий сазо-ҳаракатлари учун Россия Федерацияси Президентига алоҳида миннатдорлик билдираман, деди Шавкат Мирзиёев.

Биз Ўзбекистон Президенти билан конструктив ва жуда фойдали музокаралар ўтказдик, икки томонлама ҳамкорлик оид кенг доирадаги масалаларни батафсил қўриб чиқдик, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдик. Иттифоқчилик ва стратегик шериклик муносабатларимизни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини белгилаб олдик. Буларнинг барчаси биз имзоланган Қўшма баёнотда ўз аксини топди. Унда мамлакатларимиз вазирликларини, идораларини ва ташкилотларини олдидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган, деди Владимир Путин.

Кўнинг иккинчи ярида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Президентлар “ЎзэкспоМарказ”даги “Ўзбекистон — Россия” биринчи худудларо ҳамкорлик форумига ташриф буюрди. Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин рамзий тугмани босиб, мамлакатимиздаги биринчи атом электр станцияси қурилиши лойиҳасининг бошланишига старт берди.

Россия Федерацияси Президентининг мамлакатимизга давлат ташрифи кенг қўламли икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга кучли суръат бағишлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ХУДУДЛАР ЎРТАСИДА ВА ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор “Ўзбекистон — Россия” худудларо ҳамкорлик форуми ташкил этилди. “ЎзэкспоМарказ”да бўлиб ўтган форумда Россия худудлари, етакчи компания ва саноат корхоналари раҳбарлари — жами мингдан зиёд кишилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ушбу форумга ташриф буюрди.

Биз стратегик шеригимиз ва иттифоқдошимиз — Россия Федерацияси билан барқарор ва ишончли муносабатларимизни юксак қадрлаймиз. Ушбу форумнинг юқори нуфузи

ва юксак даражада ташкил этилгани икки томон ҳам ҳамкорликдан манфаатдор экани, бу борада улкан салоҳият мавжудлигининг яна бир ёрқин тасдиғидир, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ва Россия худудларо алоқаларга муҳим аҳамият қаратмоқда. Кейинги пайтда бу янада фаоллашди. Ўзаро 40 дан ортик таш-

рифлар уюштирилди. Сентябрь-октябрь ойларининг ўзида Ўзбекистоннинг 14 худуди раҳбарлари Россиянинг 26 субъектида бўлиб қайтди. Бунинг натижасида маҳсулот етказиб бериш учун янги бозорларга йўл очилди, иш ўринлари яратилди, аҳоли учун қўшимча даромад манбаи пайдо бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳам-

корликнинг аниқ йўналишларини айна худудлар раҳбарлари ва тадбиркорлар белгилашини таъкидлади. Юқори технологияли қўшма корхоналар ташкил этиш, харидоригр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва учинчи мамлакатлар бозорини ўзлаштириш учун кооперацияни кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Худудлар ўртасидаги кўп қиррали алоқалар икки томонлама муносабатларнинг энг муҳим бўғинидир. Шу сабабли Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу форумни Тошкентда ва айнан шу ташриф доирасида ўтказиш


ташаббусини мамнуният билан қўллаб-қувватлади, деди Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин.

Эришилган келишувларга мувофиқ, Россиянинг Иваново области компаниялари иштирокида мамлакатимизда қўшма тўқимачилик кластерлари, Москва бозорларига мева-сабзавот етказиб бериш учун Сурхондарё вилоятида замонавий агромажмуа, Свердловск области билан ҳамкорликда Қашқадарё вилоятида энгил ва оғир металл конструкциялар заводи, татаристонлик

шериклар билан биргаликда Тошкент вилоятида кимёвий ўқитлар ва Қорақалпоғистонда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришда Москва, Бошқирдистон, Оренбург ва Россиянинг бошқа субъектларидаги улгуржитаксимот марказлари инфратузилмасидан фойдаланиш режалаштирилмоқда. Бундай лойиҳалар жуда кўп.

Ўзбекистон — Россия: стратегик шериклик

Муносабат



«Корхоналаримизнинг ўзбек бозорига қизиқиши жуда юқори»

Никита ГУСАКОВ, «ЭСКАР» АЖ бош директори, «Россия экспорт маркази» АЖ катта вице-президенти:



— Марказимиз бир неча йилдан буён Россиядан Ўзбекистонга экспорт ташаббусларини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланиб келади. Россиядан келган компаниялар оғир машинасозлик, нефть-газ ускуналари, кишлоқ хўжалиги машинасозлиги, аграр сектор, тўқимачилик sanoati, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда фаолият юритади. Корхоналаримизнинг ўзбек бозорига қизиқиши жуда юқори. Улар одатдаги товар етказиб беришдан энди инвестициялар киритишга ўтиш ниетида. Кейинги пайтларда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича қўллаб-қувватлашга тўлақонли қўллаб-қувватлашга таяймиз.

зориға қизиқиши жуда юқори. Улар одатдаги товар етказиб беришдан энди инвестициялар киритишга ўтиш ниетида. Кейинги пайтларда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича қўллаб-қувватлашга тўлақонли қўллаб-қувватлашга таяймиз.

«Тошкентда инновацион транспортни йўлга қўймоқчимиз»

Иван ФИЛЯЕВ, «Рус техник жамияти» МЧЖ бош директори:



— Биз Ўзбекистонда «Стрела» ер усти транспорт тизимини ишлаб чиқаришни ташкил этмоқчимиз. Бундай тизимлар Москва шаҳри ва Москва областида ҳам ҳаётга жорий қилинмоқда. Бу аъёнавий транспорт тизими эмас. Шунинг учун норматив база ва сертификатлаш қоидаларини такомиллаштириш талаб этилади. Тошкентда замонавий йўл қурилиши бўйича қатор учрашув

ва музокаралар ўтказдик. Биз йўловчиларни ер усти орқали аэропортдан янги қад ростлаётган «Tashkent City» гача ташини йўлга қўйишни таклиф қилмоқдамиз. У МДХ мамлакатлари ичидаги илк инновацион лойиҳа бўлиши баробарида, Ўзбекистон пойтахти имиджининг таркибий қисми, ўзига хос «ташриф қоғози»га ҳам айланади.

«Алоқалар биржаси» самарали кечди

Владимир БЕЛОУСОВ, «Россия экспорт маркази» АЖнинг энергетика ва оғир машинасозлик экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича директори:



— Шуёба сессиялари ва «B2B» шаклидаги учрашувлар икки томонлама ишбилармонлик муносабатларини йўлга қўйиш учун яхши старт бўлиб хизмат қилади. Улар шу йил сентябрь ойида Москвада ўтказилган Россия — Ўзбекистон ҳукуматларaro комиссияси йиғилиши доирасида

белгиланган лойиҳалар ва топшириқларни амалга ошириш имконини беради. Россия экспорт маркази мазкур йўналишда компанияларни қўллаб-қувватлашга таяёр.

«Халқ сўзи» мухбири Омонулла ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.

ҲУДУДЛАР ЎРТАСИДА ВА ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ



Энг муҳими, икки мамлакат ҳудудлари ўртасида мустаҳкам ва узоқ муддатли шериклик муносабатлари қарор топди.

Форумда ишбилармонлар ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий масалалари, аниқ лойиҳа ва дастурлар муҳокама қилинди. Натижада умумий қиймати 2 миллиард долларлик келишув ва шартномалар имзоланди.

Президентимиз Ҳудудларaro ҳамкорлик форумини ҳар йили ўтказиш таклифини илгартириб келди.

Россия Президенти Ҳудудларaro форум ҳар йили ўтказилиши мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиши, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий, гуманитар алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

«Ўзэкспомарказ»да мамлакатимиздаги биринчи атом электр станцияси қурилиши лойиҳасининг бошланишига бағишланган тантанали маросим ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин рамзий тугмани босиб, ушбу йирик лойиҳага старт берди.

Тадбирни видеоалоқа орқали кузатиб турган «Ўзатом» агентлиги ва «Росатом» давлат корпорацияси мутахассислари Ўзбекистонда биринчи атом электр станцияси қурилиш майдонини танлаш учун муҳандислик тадқиқотлари бошланганини эълон қилди.

Бугун биз Россия Федерацияси билан ҳамкорликнинг янги стратегик йўналиши — атом энергетикасини ривожлантиришга қўл урмоқдамиз. Ушбу лойиҳа мамлакатимиз иқтисодиётида янги тармоқни вужудга келтиради. Бу саноат салоҳиятини янада ривожлантириш ва иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади, деди давлатимиз раҳбари.

Узбекистон Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Хорижий лойиҳалар сони ва қўлами бўйича жаҳонда биринчи ўринда турадиган — 12 мамлакатда 34 та энергоблок бунёд этилган «Росатом» корпорацияси билан Ўзбекистонда атом электр станцияси қуриш тўғрисида келишувга эришилди. Ушбу станция ҳар бири 1 минг 200 мегаватт қувватга эга иккита, «3+» авлодига мансуб энг замонавий ва хавфсиз энергия блокидан иборат бўлади. Улар Халқaro атом энергияси агентлигининг барча хавфсизлик талабларига жавоб беради.

Атом энергияси экологик тоза бўлиб, бундай станциялар исга қилинади, атмосфераға карбонат ангидрид чиқарилиши йилга 14 миллион тоннагача, азот оксидлари чиқарилиши 36 минг тоннаға камайтирилади.

Узбекистон Халқaro атом энергияси агентлигиға аъзо давлат сифатида ўз зиммасига олган мажбуриятларға мувофиқ, ядровий хавфсизлик масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Ушбу лойиҳани амалга оширишда АЭС қурилиши бўйича барча халқaro талабларға қатъий риоя қилинади.

Халқaro атом энергияси агентлиги мутахассислари Ўзбекистоннинг Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш миллий дастурини амалға ошириш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлади ва уни рўйбга чиқаришда ҳар томонлама қўмаклашишға таяёр эканини билдирди.

Аввал эришилган келишувларға мувофиқ, Тошкентда «Москва муҳандислик-физика институти» миллий тадқиқот ядро университети» филиалини очишға оид қарор қабул қилинди. Келаси ўқув йилларида ушбу филиал илк талабаларни қабул қилади.

Жорий ўқув йилдан бошлаб 30 нафар ўзбекистонлик талаба Москвадаги ушбу нуфузли олий билим юртида таълим олмақда. Уни битиргач, талабаларимиз юқори малакали мутахассис бўлиб етишад ва атом электр станциясининг хавфсиз ишлашини таъминлайди.

Ў.А.

Салоҳиятлар тўлиқ ишға солинади

«Ўзбекистон — Россия» биринчи ҳудудларaro ҳамкорлик форумининг иккинчи куни ҳам қизғин кечиб, турли учрашув ва музокараларға бой бўлди.

Мавжуд салоҳиятлардан самарали фойдаланиш мавзусидаги бизнес-нонуштада икки давлат вазирилик ва идоралари, ҳудудлари раҳбарлари, ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди. Ўзарo ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, иқтисодий зоналар

лифлари берилди. Натижада ҳудудларaro 8 та ҳамда компанияларaro 3 та келишувға эришилди. Наманган вилояти ҳокимлиги ва Челябинск области ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техник ҳамда ижтимоий, Самарқанд вилояти ва Оренбург области, Тош

хўжалиги каби қўллаб соҳалари имкониятлари намойиш этилди.

Қўшма лойиҳаларға мустаҳкам асос

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистон Республикасиға давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни тўбора мустаҳкамлаб, қўл киррали муносабатларға янада шиддат бағишлади. Унинг доирасидаги ишбилармонлик учрашувлари, семинарлар, ҳудудларaro ҳамкорликни



ривожлантириш форумида умумий қиймати 25 миллиард АҚШ долларлик савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳужжатлар имзолангани бунинг ёрқин далилидир.

Бу, ўз навбатида, 79 та Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси, 23 та янги савдо уйи ҳамда 20 та улгуржи ва чакана савдо марказлари ташкил этилишиға асос бўлади.

«Ўзбекистон — Россия» биринчи ҳудудларaro ҳамкорлик форуми томонлар учун қутилганидек ўта самарали кечди.

Дарҳақиқат, мазкур анжуман илк мартаба ўтказилаётганиға қарамастан, унда иштирок эт-

ганлар сони ҳам, эришилган келишувлар ҳам салмоқли бўлди. Унда қиймати 2 миллиард доллардан зиёд лойиҳалар юзасидан келишувларға эришилди.

Булар орасида Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Ставрополь ўлкасидаги «ЭКО Культура» масъулияти чекланган жамияти билан йилга 65,7 минг тонна кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва қадоклашға мўлжалланган, «Навой» эркин иқтисодий зонаси ҳамда Иваново областининг «ИМЗ Автокран» масъулияти чекланган жамияти билан 10 миллион долларлик келишувларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бинобарин, «Навой» эркин иқтисодий зонасида барпо этиладиган биргина ушбу корхона тўғрисида йилга 100 та энг замонавий автокран йиғилади. 50 кишининг бандлиги таъминланади.

Навой вилояти ҳокимлиги ҳамда Уфа шаҳри мутасаддилари томонидан тузилган ҳужжат ҳам диққатга сазовор. Унга қўра, 800 минг доллар эвазига Уфа шаҳрида савдо уйи ташкил этиладиган бўлди. Бу эса бизнинг заминимизда етиштирилган мева-сабзавот ва бошқа кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Россия бозорига етказиб бериш имконини янада оширади.

Банк-молия соҳасидаги муносабатларда эса 864,6 миллион долларлик 6 та келишув тасдиқланди.

Демак, ўзарo ишонч ва дўстликка йўрилган муносабатлар янги босқичға кўтарилиб, жадал ривожланаверади. Бунда келгусида мунтазам равишда ўтказилиши қутилаётган Ҳудудларaro ҳамкорлик форуми янги бизнес қўлаб-қувватлаш, амалиётға кўчадиган мамлакатларимиз ишбилармонлик доираларининг қулай мулоқот майдониға айлиши мукаррар.

Дилшод УЛУҒМУРDOV, «Халқ сўзи» мухбири.

Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



да биргаликда ҳаётга татбиқ қилинадиган лойиҳалар истиқболлари каби масалалар бўйича фикр алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Б. Ходжаев, Россия Федерациясининг иқтисодий ривожланиш вазири ўринбосари С. Горьков қайд этганидек, мазкур форум манфаатли алоқаларни янги босқичға олиб чиқиш, фойдаланилмаган имкониятларни ишға солиш учун аниқ муддао бўлди. Бинобарин, унда ҳудудларда улгуржи савдо марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, саноатнинг барча тармоғида ҳамкорликни кенгайтириш, коммунал хўжалиги объектларида ахборот технологияларини жорий этиш истиқболларига бағишланган тақдиротлар ўтказилди.

Вилоятларимизнинг иқтисодий салоҳияти, инвестициявий жозибadorлиги икки томонлама муносабатлар истиқболлиға кенг уфқ очиб бериши, шубҳасиз, Мавжуд салоҳиятдан оқилона фойдаланишға қаратилган тақдиротлардан ташқари, аниқ мақсадли қўшма лойиҳаларни рўйбга чиқариш так-

кент вилояти ва Иваново области ўртасидаги ташқи иқтисодий, савдо-инвестициявий ҳамкорлик бўйича келишувлар, Тошкент ва Москва шаҳарлари ўртасидаги 2018 — 2020 йилларда ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, «Узтрейд» акциядорлик жамияти ва «РусАгроМаркетХолдинг» компанияси, «Тошкент металлургия заводи» МЧЖ ва «Российский экспортный завод» акциядорлик жамияти ўртасидаги келишувлар шулар жумласидандир.

Форум доирасида «Ўзэкспомарказ»да «Кишлоқ хўжалиги Ўзбекистон ва Россия ҳудудларининг ўзарo ҳамкорлиги асоси» мавзусидаги кўргазма ташкил этилди. Унда Россия Федерацияси ҳудудларининг иқтисодий салоҳияти, металлургия, машинасозлик, электроника, нефть-кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик, кишлоқ

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ

Давлат ташрифи доирасида ўқимий қиймати **25 миллиард АҚШ долларлик** савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳужжатлар имзоланди.

Натижада:

- 79 та** Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси
- 23 та** янги савдо уйи
- 20 та** улгуржи ва чакана савдо маркази

ташкил этилишиға асос яратилди.



Ва иттифоқчилик

Қонун ижодкорлиги бўйича фикр алмашилди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидан Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Аграр, озиқ-овқат сиёсати ва табиатдан фойдаланиш кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари С. Лисовский бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга давлат ташири доирасида ўтказилган мазкур учрашувда стратегик муҳим йўналишлардаги ҳамкорликни кенгайтириш, парламентларо муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда турли соҳаларда ҳамкорликни назарда tutuvchi икки томонлама ҳужжатларни ратификация қилишни тезлаштириш, унинг мониторингини юритиш, парламентларо мулоқот олиб бориш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, учрашувда парламент фаолияти соҳасида тажриба алмашиш, хусусан, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Россия парламентининг таҳлилий бўлиналари ўртасида ҳамкорлик

Мунисхон КАРИМОВА.

Сергей ЛИСОВСКИЙ, Федерация Кенгаши Аграр, озиқ-овқат сиёсати ва табиатдан фойдаланиш кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:



— Қишлоқ ҳўжалиги Ўзбекистонда ҳам, Россияда ҳам асосий тармоқлардан бири ҳисобланади. Бироқ бизда, хусусан, норматив ва қонунчилик базасида муаммолар масалалар ҳали мавжуд. Фуқароларимиз эркин бориб-келишлари, бизнес сектори эса тўсиқсиз ривожланиши ҳамда Россия ва Ўзбекистон ҳудудидан қўшма корхоналар ташкил қилиши учун Россия парламенти аъзолари ўзбекистонлик ҳамкасб-

лари билан биргаликда фаол иш олиб бормоқда. Фикримча, қишлоқ ҳўжалигида товар айирбошлашдан реал кооперация ва меҳнат тақсимотига ўтиш вақти келди.

Россияда тўрт йил муқаддам иссиқхоналар қуриш тармоғи кескин оммалашди. Бунга ҳукумат, қишлоқ ҳўжалиги жамоатчилиги бош қўшмоқда. Россияда шимоллий минтақаларида барпо этилган иссиқхона — шўбақис, ўзига яраша янгилик. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотларни катта миқдорда Россияда ҳам тайёрлашдан маъно йўқ, деб ўйлайман. Янада олдинга ҳаракатланиш, технологиялар алмашиш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар тайёрловчи қўшма корхоналар яратиш, ривожлантириш зарур.

Рустам МИННИХАНОВ, Татаристон Президенти:

«Кейинги икки йилда юртингизда улкан ижобий ўзгаришлар кузатиляпти»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатларо муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасида Татаристон Президенти Рустам Минниханов билан мамлакатимиздаги татар диаспораси вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Дўстлик ришталари

Бугунги кунда юртимизда 240 мингдан зиёд татар диаспораси вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг қарийб ярми Тошкент ва Тошкент вилоятида яшайди. 1990 йилда пойтахтимизда Татар ижтимоий маданий-маърифий марказига асос солинди. У мамлакатимиздаги энг фаол миллий маданий марказлардан биридир. Ушбу муассаса томонидан турли байрамлар ўтказиш, уларга ёшларни фаол жалб қилиш яхши анъаналарга айланган. Худудларда эса татар халқи тили, маданияти, урф-одатлари ва қадриятларини сақлашда иштирок этиб келаётган саккизта татар ижтимоий бирлашмаси фаолият юритмоқда.

— Охириги икки йилда Ўзбекистонда туб ижобий ўзгаришлар рўй берди ва янгиликлар давом этмоқда, — дейди Татаристон Президенти Рустам Минниханов. — Мамлакат дунёга очилляпти, республикада одамларнинг дунёқарашини ўзгармоқда. Ушбу меҳмондўст заминда ҳамжиҳатлик ва ўзаро тушуниш ҳисси



сақланиб қолаётгани қувонарлидир. Татарлар ўзбек халқи билан биргаликда Ўзбекистон фаровонлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Фидокорлиги тўғрисида жамиятда татарларга нисбатан хайрихоҳ муносабат шаклланган, уларни маҳаллий ҳокимият қўллаб-қувватлаб келяпти.

Тадбир доирасида Тошкент вилояти ва Татаристон Республикаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича битим имзоланди. Тошкент вилояти ҳокими Фулмон Ибрагимов охириги икки йил давомида

Татаристонга бир неча бор ташириф буюрди, Рустам Минниханов билан жорий йил май ойида бўлиб ўтган Петербург халқаро иқтисодий форумида музокаралар олиб борди. Ушунда Татаристон ҳукумати ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва маданий соҳаларда

халқаро ҳамда ташқи савдо алоқаларини амалга ошириш тўғрисида келишувга эришилган. Бугунги кунда пойтахт вилоятида Татаристоннинг «Химград» технополиси филиалини ташкил этиш, «Ангрен» ЭИЗ имкониятларидан самарали фойдаланиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Учрашув якунида Татаристон Президенти татар миллий марказлари фаолиятини давлат муқофотлари ва эсдалик совғалар билан тақдирлади. Хусусан, татар тили, татар халқи маданияти ва қадриятларини сақлаб қолишга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда жамоатчилик ишла-

рида фаол иштирок этгани учун Тошкент шаҳар татар ижтимоий маданий-маърифий маркази оқсоқлар кенгаши раиси Рим Гиниятуллинга «Дуслык» ордени, шунингдек, ушбу марказ раиси ўринбосари Камиля Ковтуновага «Фидокаръ хезмет очен» медали топширилди.

Айтиб ўтиш жоизки, Татаристон Президенти ўтган йил сентябрь ойида мамлакатимизга амалга оширган ишчи таширифи чоғида ҳам Ўзбекистондаги татарлар билан учрашган. Шу пайтда улар Татаристон раҳбаридан Ўзбекистонда татар театрлари ва турли миллий ансамбллар гастролларини уюштириш илтимоси билан мурожаат қилишган. Бир йилдан кам вақт ўтар-ўтмас ушбу гоҳ рўёбга чиқди. 2018 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда Гулиасгар Камал номидаги Татар давлат академик театри гастрол ташкил этилди. Бундан ташқари, декабрь ойидан «Тошкент — Қозон» йўналишида поезд қатнови йўлга қўйилди. Бу эса икки халқни бир-бирига янада яқинлаштириш баробарида, ўзаро, жумладан, бизнес доиралар ўртасида мустаҳкам алоқаларни ҳам йўлга қўйишга хизмат қилади.

Эльвина МУСТАФИНА.

«Ўзаро савдо ҳажмини ошириш учун имкониятларимиз етарли»



Сергей ЛЕВИН, Россия Федерацияси қишлоқ ҳўжалиги вазири ўринбосари, статс-котиб:

— 2017 йилда икки мамлакат ўртасида мева-сабзавот етказиб бериш ҳажми қарийб 40 фоиз ортиб, 156 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ҳозир Ўзбекистонда Россия иштирокида қишлоқ ҳўжалигининг турли тармоқларида 15 та йирик инвест-

тиция лойиҳаси рўёбга чиқрилмоқда. Паррандачилик, балиқчилик, мева-сабзавотчилик шулар жумласидандир. Мазкур йўналишдаги фаолиятни Ўзбекистон аграр сектори таркибидан балиқчилик кластерини ташкил этиш ҳисобига ҳам кенгайтириш мумкин.

Ўз навбатида, хорижий шерикларимиз билан логистикани сезиларли даражада такомиллаштириш вақти келди, деб ўйлаймиз. Ўзбеки-

стон ҳудудида тегишли тақсимот марказларини, Россия Федерациясининг Оренбург областида эса йирик улгурчи қабул қилиш марказларини очишни мақсад қилганмиз. Бу иштирокчилар учун ҳам, Хитой — Фарбий Европа транспорт йўлигадан фойдаланувчи экспорт корхоналари учун ҳам замонавий инфратузилма яратиш имконини беради ҳамда ҳар томонлама қулай ва самаралидир.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТ МУНТАЗАМЛИК КАСБ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги парламентларо алоқалар бундан 26 йил олдин, яъни 1992 йилда йўлга қўйилган эди. Утган йиллар мубайнида парламентлар фаолиятини ўрганиш ҳамда турли халқаро анжуманларда иштирок этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси ўртасида бир қатор делегациялар алмашинуви амалга оширилди.

СЕНАТОР МИНБАРИ

Олий Мажлис вакиллари Россияда ўтказилган Президент ва парламент сайловларида халқаро кузатувчилар қўмоида қатнашди. Сайлов технологиялари ва халқаро сайлов стандартлари ўрганилди, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш йўлга қўйилди.

Айниқса, сўнгги икки йил мубайнида Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилган Ўзбекистоннинг очик ва прагматик ташқи сиёсати сабаб парламентларимиз ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди, десак, муболаға бўлмайди. МДҲга аъзо давлатлар Парламентларо Ассамблеяси билан ҳамкорлигимиз ҳам янги тус олди. Унинг доирасида ташқи этилаётган тадбирларда Олий Мажлис палаталари вакиллари-

нинг фаол қатнашиши қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро тажриба алмашишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим 2006 йилда имзоланган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш мақсадида парламентларо ҳамкорликни кучайтириш бўйича комиссия тузилган. Мазкур тузилма томонидан нафақат парламентларимиз, балки давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида мақсадли ишлар олиб боришмоқда.

Комиссия йиғилишларида парламент аъзолари билан бир

қаторда икки мамлакат бизнес доиралари вакиллари иштироки таъминланаётгани ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Комиссия фаолияти давлатлар ўртасида имзоланган расмий ҳужжатларнинг ижроси устидан мониторинг юритиши ҳам назарда туталди. Бинобарин, икки томонлама алоқаларни ривожлантириш, мавжуд норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан «йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга ошириляпти. Бунда ҳам комиссия аъзоларининг меҳнатини эътироф этиш ўринлидир.

Жумладан, 2017 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Федерал Мажлис Давлат Думаси ўртасида парламентларо гуруҳ фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса қонун ижодкорлиги техникасини ривожлантириш, соҳага халқаро стандартларни фаол татбиқ этиш ҳамда қонунчиликнинг илмий асосларини такомиллаштириш юзасидан ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга шароит яратди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг юртимизга давлат таширифи доирасида эришилаётган ҳар бир битим, ҳар бир шартноманинг самарали жоросини таъминлашда ҳам биз, сенаторларнинг алоҳида масъулият бор. Зеро, мазкур келишувлар, аввало, халқимизнинг фаровон турмушига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Айни чоғда икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 2019 — 2024 йилларда иқтисодий ҳамкорлик дастурининг қабул қилинган ҳам муҳим эканлигини эътироф этиш лозим. Уларнинг бажарилишини ўз вақтида таъминлаш Россия бизнес доираларининг юртимизга ишончи янада ортишига ва зарур ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилишига хизмат қилади.

Маълумки, давлат раҳбарлари

таширифи доирасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалар бўйича қатор ҳужжатлар имзоланганини мамнуният билан қайд этишди. Ўз навбатида, Тошкентда икки мамлакат олий таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида ўтган таълим форуми натижаларини ҳам юқори баҳолаш мумкин. Унда таълим ва фан соҳаларидаги ҳамкорлик, жумладан, мамлакатимизда Россиянинг етакчи олий ўқув юртлири филиалларини очиш тўғрисида 100 дан ортиқ келишувларга эришилгани таъкидланди.

Демак, олдимизда жуда катта масъулиятли вазифалар турибди. Шундай экан, парламент назорати механизмларидан фойдаланиш ва мамлакатларимиз ўртасидаги самимий ҳамда дўстона алоқаларнинг янада мустаҳкамлашида муносиб ҳиссамизни қўшиш ўзаро алоқаларимизни янги босқичга кўтариш, эришилган келишувлар ижросини таъминлашда алоҳида ўрин туталди.

Зайиндин НИЗОМҲҲАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси.

Муносабат



Мамлакатимизда илк бор ўтказилган Ўзбекистон — Россия таълим форумининг ҳар жиҳатдан амалий, сермазун ва натижадор бўлганини иштирокчилар ҳам алоҳида қайд этишди.

Биргаликда юксак малакали кадрлар тайёрланади

Михаил КОТЮКОВ, Россия Федерациясининг фан ва олий таълим вазири:



— Мазкур нуфузли анжуманда Россия олий таълим муассасаларининг 80 дан ортиқ ректорлари қатнашди. Юқори даражада ташкил этилган форум икки мамлакат олий таълим тизими мутасаддилари учун ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, долзарб вазифа ва масалаларни юзма-юз муҳокама қилиш учун қулай имконият яратди.

Унинг доирасида ўзаро ҳамкорликка оид янги шартномалар имзоланди. Биргаликда фаолият олиб бориш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Жумладан, яқин келажакда юртингизда Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиаллари очилди, факультетлари ва кафедралари ташкил қилинди. Шунингдек, қўллаб-қувватлашда ҳамкорлик алоқаларини изчил йўлга қўйиш юзасидан қатор келишувларга эришилди.

Алевтина ЧЕРНИКОВА, Миллий технологик тадқиқотлар университети — МИСиС ректори:

Олмалиқ шаҳрида университетимиз филиали очилгани юртингизда ишлаб чиқариш-санаят тармоғи учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш, олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижадир.



Ўзбекистон — Россия таълим форуми доирасида мазкур олий ўқув юртининг очилиш маросимида иштирок этдик. Ушбу ўқув масканида Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш-санаят тармоғи учун муҳим илмий-технологик вазифаларни ҳал қилишга қўдир юқори салоҳиятли муҳандис-техник кадрлар тайёрланишига, металлургия, кончилик иши ва саноатнинг бошқа тармоқларига доир фундаментал ҳамда амалий илмий тадқиқотлар олиб борилишига ишончим комил.

Галина РОМАНОВА, Сочини давлат университети ректори:



Таълим форуми ҳар томонлама самарали бўлди. Икки давлат олий ўқув юртлири ўртасида қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, талабаларнинг илмий ва инновацион форумларини ўтказиш, биргаликда илмий тадқиқотлар ва бошқа тадбирларни олиб бориш борасида эришилган келишувлар истиқболда иқтисодиёт тармоқларини, маънавий-маърифий соҳаларни замонавий кадрлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Анжуманда бир қатор келишувларга эришдик. Уларнинг ижросини таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни аямимиз. Умид қиламизки, келгусида ўзаро ҳамкорлик камрови янада кенгайиб боради.

«Халқ сўзи» мухбири Дилшод КАРИМОВ ёзиб олди.

Ҳоким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.



21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун

Бугун Ўзбекистонда ислохот деган тушунча ҳаётимизнинг, ҳеч бир истисносиз, барча соҳасидаги улкан ўзгаришларнинг мунтазам ҳаракатланувчи кучига айланганлиги бор ҳақиқат. Зотан, ушбу жараёнлар юртимиз тараққиётнинг тамоман янги босқичига кирганлигидан далолат бериб

турибди. Албатта, буларнинг барчаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинган мамлакатни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ифодасини топган кенг қамровли тадбирларнинг самарасидир.

ЮРТИГА МУҲАББАТИ БОР ОДАМ ДАВЛАТ ТИЛИНИ ҲУРМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда маънавий муҳитни юксалтириш, адабиёт, санъат ва маданият соҳаларини янада раванқ топтириш, миллий меросни асраб-авайлаш ва ҳар томонлама тарғиб қилиш, ижод аҳлининг меҳнатини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган тадбирлар фавқуллоҳда муҳим ишлар эканлигини мамнуният билан таъкидламоқ жоиз. Шубҳасиз, уларнинг мазмун-моҳиятида она тилимизга, халқимизнинг бадиий тафаккурига, бадиий сўз қудратига адоқсиз эҳтиром муқассам.

қиёфасининг мукамал ва расо тасвири сифатида парваришу муҳофазага, эъзозу эҳтиётга, кўз қорачиғидек асрамоққа, янада қамолот сари элтмоққа шобён муқташам бойлиқдир.

Сир эмаски, ўзбек тили ўзининг узун ва ҳузунли тарихида не-не талотўларни, оғриқли зуғуму тазйиқларни, писандсиз тахқиру таққиларни бошидан кечирмаган. Не-не сиёсатлар, мафқуралар бу тилининг қадрини кам, қаддини ҳам қилиш қайғусида минг бир найрангларни ўйлаб топмаган. Аммо бу тил Навоий, Бобур, Оғаҳий каби бир қатор улғу сўз саркардалари, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари миллат фидойилари, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор янглиг сўз синчилари қаламининг қудрати билан у тўфонлардан самандардек саломат ўтган, нафақат селомат ўтган, баки туганмас ҳару маҳорат билан сайқал топган.

Юртимиз истиқлоли арафасида, 1989 йилнинг 21 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу Қонундаги ўша давр тақозосига кўра, қоидалаштирилган айрим нодуруст ҳолатларга унинг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган янги тахририда барҳам берилди, Қонун истиқлол шартлари ва талабларига уйғунлаштирилди.

Ифтихор билан айтмоқ лозимки, ўзбек тили Ер юзидagi энг кўна ва бой тиллардан, унинг ибтидоси эрамининг илк асрларига бориб тақалади. У қадимдан ёзув аҳанасига соҳиб, ўзбек адабий тилининг асослари сўз мулкнинг султони Алишер Навоий қаламидан шамоийл ва расолик топган. Ўзбек тили ўзбек халқининг сийрату суратини, тафаккур ва тахайюл олами, ақл кенгликларию қалб қатларини, қайғую қувончларини, ўтмишу бугунини борица ақт этирадиған, энг муҳими, шу тилининг ўз воситаси ҳамда «ўз кўли» билан чизиларига жо қилинган холис қиёфасидир. Бу қиёфа халқимизнинг кўп асрлик лисоний-тарихий тараққиёти жараёнларида, бетакор маданият ва ақлий, адабий-бадиий дурдоналарига буй кўрсатиб турибди. Дунё адабиётининг атоқли намоёндаси Чингиз Айтматов «Авезов ҳақида сўз» номли мақоласида «Тил халқнинг автопортретидир», деган беҳад теран образли гапни айтган. Ўзбек тили ўзбек халқининг автопортрети, беназир

қадимдан ёзув аҳанасига соҳиб, ўзбек адабий тилининг асослари сўз мулкнинг султони Алишер Навоий қаламидан шамоийл ва расолик топган. Ўзбек тили ўзбек халқининг сийрату суратини, тафаккур ва тахайюл олами, ақл кенгликларию қалб қатларини, қайғую қувончларини, ўтмишу бугунини борица ақт этирадиған, энг муҳими, шу тилининг ўз воситаси ҳамда «ўз кўли» билан чизиларига жо қилинган холис қиёфасидир. Бу қиёфа халқимизнинг кўп асрлик лисоний-тарихий тараққиёти жараёнларида, бетакор маданият ва ақлий, адабий-бадиий дурдоналарига буй кўрсатиб турибди. Дунё адабиётининг атоқли намоёндаси Чингиз Айтматов «Авезов ҳақида сўз» номли мақоласида «Тил халқнинг автопортретидир», деган беҳад теран образли гапни айтган. Ўзбек тили ўзбек халқининг автопортрети, беназир

қадимдан ёзув аҳанасига соҳиб, ўзбек адабий тилининг асослари сўз мулкнинг султони Алишер Навоий қаламидан шамоийл ва расолик топган. Ўзбек тили ўзбек халқининг сийрату суратини, тафаккур ва тахайюл олами, ақл кенгликларию қалб қатларини, қайғую қувончларини, ўтмишу бугунини борица ақт этирадиған, энг муҳими, шу тилининг ўз воситаси ҳамда «ўз кўли» билан чизиларига жо қилинган холис қиёфасидир. Бу қиёфа халқимизнинг кўп асрлик лисоний-тарихий тараққиёти жараёнларида, бетакор маданият ва ақлий, адабий-бадиий дурдоналарига буй кўрсатиб турибди. Дунё адабиётининг атоқли намоёндаси Чингиз Айтматов «Авезов ҳақида сўз» номли мақоласида «Тил халқнинг автопортретидир», деган беҳад теран образли гапни айтган. Ўзбек тили ўзбек халқининг автопортрети, беназир

қадимдан ёзув аҳанасига соҳиб, ўзбек адабий тилининг асослари сўз мулкнинг султони Алишер Навоий қаламидан шамоийл ва расолик топган. Ўзбек тили ўзбек халқининг сийрату суратини, тафаккур ва тахайюл олами, ақл кенгликларию қалб қатларини, қайғую қувончларини, ўтмишу бугунини борица ақт этирадиған, энг муҳими, шу тилининг ўз воситаси ҳамда «ўз кўли» билан чизиларига жо қилинган холис қиёфасидир. Бу қиёфа халқимизнинг кўп асрлик лисоний-тарихий тараққиёти жараёнларида, бетакор маданият ва ақлий, адабий-бадиий дурдоналарига буй кўрсатиб турибди. Дунё адабиётининг атоқли намоёндаси Чингиз Айтматов «Авезов ҳақида сўз» номли мақоласида «Тил халқнинг автопортретидир», деган беҳад теран образли гапни айтган. Ўзбек тили ўзбек халқининг автопортрети, беназир

ҳолда тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Айрим телерадио каналлари бошловчилари нутқида сўз сөгисини, тил тиниқлиги бениҳоя нечор, мазмун-маантиқнинг тамоман зарарига «чиройли» сўзга кераксиз «ошуфталик» тасвир ва таъсири бутунлай издан чиқариб юбориши кўзга ташланади. Масалан, касб қилмоқ билан кашф қилмоқнинг фарқига бормай, айтайлик, Кишлоқларимиз янги қиёфа касб этмоқда ўрнида Кишлоқларимиз янги қиёфа кашф этмоқда қабилидаги нодуруст жумла тузиш ёки худабехуда бошқа гапга қаҳат келгандай такрор ва такрор бир сўзни (мисол учун, офарин, баракалла, жуда яхши каби) қалаштириб ташлайвериш сўзловчининг билим ва нуқт маънасининг расолигидан далолат бермайди. Таассуфки, нони сўз бўлган кишиларнинг нутқидаги бу каби ноқисликлар жамиятдаги нутқ маданияти савиясига соя солиши табиий.

Қўшиқ тинловчи қалбини ичдан ишғол эта билмоғи учун, энг аввало, унинг матнидаги тил расо бўлмоғи зарур. Эътибор қилинса, бугун айрим қўшиқлар тилига асло тоқат қилиб бўлмайди. Санъаткор ўз кўшиғидан сўз сөгисини ўтмаслиги боис ўзи ҳузур қилгандай бўлаверди, лекин унинг бу ҳузурни эшитувчига юқмайди, тил сөгисини тирик ва тийрак кишиларнинг энсасини қотираверди. Бир қўшиқчи «Асалим, қаймоғим, онам, Сизни шундай эркалайман-да, Сиз хиром айланганда, Мен ёниб қўйлайман-да» қабилидаги анчанин чала тил билан қўшиқ қўйласа, тил ўзининг доғдир ҳолатга тушганидан инграиши табиий. Онага нисбатан қўланган сўзларнинг бежо эканлигига изоҳ ортиқча.

Тилимиз онамиздек мўътабар, муқташам ва муқтарам, унинг мунтазам камолу икболи учун масъулиятни ҳар сонияда хис қилиб туриш ҳар биримизнинг буйнимиздаги бурчдир. Ватанимиздаги жадал ва қўламли ислохотларнинг бугунги босқичида, маънавият ва маърифатни янада ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган бугунги паллада қонун мажбурияти билан эмас, балки миллий ўзгичимизнинг пойдорлигини таъминлаш заруриятини чуқур англаш эҳтиёжи билан она тилимизга муносабатда бўлиш, унинг яшashi ва тараққиёти учун имкон қадар барча саъй-ҳаракатда бўлиши зарур.

Низомиддин МАҲМУДОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор.

Туризм

Сайёҳлар учун оилавий меҳмон уйлари

Бухоро шаҳрида оилавий меҳмон уйлари яна бештага кўпайди. Улар бир пайтнинг ўзида 32 нафар сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга.

— Хонадонимизда «Sunrise» деб номланган оилавий меҳмон уйи фаолиятини йўлга қўйдик, — дейди ёш тадбиркор Феруз Очилов. — Бу орқали туризм ривожига ўз хиссамизни қўшмоқчимиз. Албатта, даромад ҳам қилмаиз.

Келгуси йили вилоятда оилавий меҳмон уйлари 200 тага етказиш кўзда тутилган.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

TransUzbekistan 15-ХАЛҚАРО ЮБИЛЕЙ КЎРГАЗМАСИ ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА 14-16 ноябрь 2018 Тошкент, «Ўзэкспоарказ», 2-павильон. Итеса ONLINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ

«Respublika mulk markazi» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади. Аукцион савдосига «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси бинолари мажмуасидан фойдаланиш дирекцияси» ДУКга тегишли Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислон Каримов кўчаси, 55-уйда сақланаётган куйидаги асосий восита такроран қўйилмоқда: Трансформатор ТИЗ 1000/10. Бошлангич баҳоси — 56 202 045 сўм.

ООО «Butlash Garant Servis» предлагает бетономешалки российского производства. 1. Бетономеситель гравитационный MC-200. 2. Бетономеситель гравитационный СБР-500А.1. Форма оплаты — перечисление. ООО «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте. Адрес: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 29А. Телефоны: 97 760-86-00, 90 370-86-86.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 73 063 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71 233-52-55; Котибият 71 233-10-28; Ўзлонлар 71 232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — С. РАҲМОНОВ. НАВБАТЧИ — Б. ҒОҒУРОВ. МУСАҲҲИХ — Ш. МАШРАББОВ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 00.27 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6